# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2016-YIL 5-YANVAR, SESHANBA, 2 (8553)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


Навоий вилояти

## СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА



**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ БОЛАЛАР КЎП ТАРМОҚЛИ ТИББИЁТ МАРКАЗИДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДА САМАРАЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА**

**Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шифо масканида қабул-диагностика, маслаҳат поликлиникаси, янги туғилган чақалоқлар ва эрта ёшдаги патология, болалар касалликлари, жарроҳлик, жароҳат оқибатлари ва ортопедия, асаб касалликлари, реанимация бўлимлари мавжуд. 250 дан зиёд тиббиёт ходими меҳнат қилаётган масканда йўлга қўйилган сифатли хизмат самарасида болалар ўртасида учрайдиган касалликларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш ва олдини олишга эришилмоқда.**

Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган сурат.

ДИЛ СЎЗИ

*Яна бир йил ортда қолди. Яна бир йилни тарихнинг олтин саҳифаларида қолдирдик. Ҳаётнинг шундай тамойили бор: босиб ўтилган йўл маълум манзилга етгач, сарҳисоб қилинади. Якунланган йилни шукроналик ва мамнуният билан кузатганимизда ҳам ана шу сарҳисобдан қониқиш ҳисси мужассам бўлди. Энг муҳими, уларда "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган саволнинг жавобини ёрқин кўрмоқдамиз.*

## ЭРТАМИЗ БУГУНИМИЗДАН ҲАМ НУРАФШОН БЎЛГАЙ

Ўтган йилни, унинг ҳаётимизга мазмун бағишлаган, эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамлаган ҳар бир кунини, керак бўлса, ҳар бир дақиқасини кўз олдимиздан ўтказар эканмиз, 2015 йил ҳар жиҳатдан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, унинг жаҳондаги обрў-эътиборини юксалтиришда муҳим давр бўлди, дея ишонч билан айта оламиз.

Янги йил остонасида Президентимизнинг Янги йил табригини тинглар эканмиз, ундаги шундай рақамлардан қалбимиз ифтихорга тўлди. Кейинги ўн бир йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, шу жумладан, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаганининг ўзи, ҳақиқатан ҳам тарихий бир воқеадир.

Шу ўринда бир ҳақиқатни асло унутмаслигимиз керак: биз эришаётган муваффақиятларнинг асосий пойдевори Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик, халқимизнинг обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги бирдамлиги, матонатли меҳнатидандир.

Бугун биз амалга ошираётган ишларимизда мустақил фикрлайдиган, илғор технологиялардан самарали фойдалана оладиган, дунёқараши кенг, замонавий касб-ҳунар сирларини мукаммал ўзлаштирган, ҳар жиҳатдан етук бўлган ёшларимизнинг ҳиссаси ошиб бораётганидан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ўтган йилда уларнинг ҳаётга дадил кириб бориши, жамиятнинг мустаҳкам таянчига, барча жабҳаларда тараққиётнинг ҳал қилувчи кучига айланиши учун муҳим ишлар амалга оширилди.

Жамоамиз томонидан ҳам аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофазалаш каби масалалар бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Туман тиббиёт бирлашмасининг 50 ўринга мўлжалланган туғуруқ бўлимида барча шарт-шароитлар яратилди. Улар замонавий тиббий даволаш жиҳозлари билан таъминланди. Айни пайтда 150 нафардан ортиқ малакали тиббиёт ходимлари аёллар ва гўдаклар саломатликларини мустаҳкамлаш учун уларга ҳар томонлама сифатли тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Ўтган йилда жамоамиздаги 30 нафардан ортиқ олий тоифали шифокор ҳамда ҳамширалар билим ва малакасини мустаҳкамлашди. Бу эса, ўз ўрнида, тиббий хизмат даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Янги йилга мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили, деб ном берилди. Бунинг замирида соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, фикри теран ва бахтли авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мужассамлашгандир.

Янги йилда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, таълим-тарбия ва спортнинг таъсирчанлигини ошириш, ёш авлод тарбиясида жамоатчилик ролини кучайтириш ишлари янги босқичга кўтарилади. Бу эса эртамизнинг бугунгидан ҳам нурафшон бўлишига мустаҳкам замин яратади.

**Хосият ДОНАЕВА,**
*Сурхондарё вилояти Музработ тумани тиббиёт бирлашмаси туғуруқ бўлими мудири.*

Қорақалпоғистон Республикаси

**Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўтган йилда амалга оширилган ишларнинг якунлари ҳамда Соғлом она ва бола йилидаги долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

## ЙИЛ САРҲИСОБИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Таъкидланганидек, ўтган йил давомида вазирлик томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида қатор ишлар олиб борилди. Хусусан, Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган нуронийлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар иштирокида "Уч авлод учрашуви" тадбирлари ўтказилиб, уларга совғалар топширилди. Ногирон ва ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олинди.

Ўтган 2015 йил мобайнида вазирликка фуқаролардан кўплаб мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида аниқланган камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилиб, тегишли чоралар кўрилди. Жумладан, бу борада тегишли идораларга 57 та тавсия ҳамда судларга даъво аризалари киритилди.

Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилди. Жумладан, назорат органлари, маҳаллий ҳокимликлар ва тадбиркорлик субъектлари иштирокида семинарлар ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 1 январидан барча туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизида "ягона дарча" марказлари ташкил этилди. Мазкур марказлар иқтисодиёт, солиқ ва молия соҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллаган етук мутахассислар билан таъминланди.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш соҳасида 6 та ариза ва тавсия, 94 та шикоят аризалари ва "Ишонч телефони" га келиб тушган 4 та мурожаат ўрганиб чиқилди. Ўтказилган ўрганишлар борасида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш ва келиб тушган аризалар асосида тегишли органларга кўрсатма, огоҳлантириш ва тавсияномалар берилиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, шу жумладан, адлия идоралари фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Давлатимиз раҳбарининг маърузасидан келиб чиққан ҳолда вазирлик томонидан жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё вилояти

## БУНЁДКОРЛАР ТАНЛОВИ

**Қарши шаҳрида бунёдкорлик ишларида фаол қатнашаётган буюртмачи, пудратчи, қурилиш ва лойиҳа ташкилотлари, архитекторлар, техник назорат ходимлари, қурилиш индустрияси ҳамда йўл транспорт ва коммуникация тармоқлари вакилларини рағбатлантириш мақсадида илк бор "Йилнинг энг яхши қурилиш ташкилоти" танлови ташкил этилди.**

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Биргина вилоятда ўтган йилнинг тўққиз ойи мобайнида капитал қурилиш соҳасида барча манбалар ҳисобидан 3 триллион 747 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу кўрсаткични 2007 йилнинг тегишли даврига нисбатан қиёсласак, иш ҳажми 4,2 баравар ўсганига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, 2009 йилдан бери вилоятдаги 75 та қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 6052 та замонавий уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, ушбу массивларда 162 та ижтимоий соҳа ва бозор инфратузилмаси объекти қурилиб, фаолият кўрсата бошлади.

"Йилнинг энг яхши қурилиш ташкилоти" кўрик-танловида ана шундай бунёдкорлик ишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган қурилиш ташкилотлари қатнашди. Танлов якунида 30 дан ортиқ номинация бўйича ғолиблар эълон қилинди. Унга кўра, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши жабҳасида "Омад сервис хусусий корхонаси", "Қарши капитал қурилиш" МЧЖ ҳамда "Авона меъмор" корхонаси "Йилнинг энг яхши қурилиш ташкилоти" дея эътироф этилди. "Йилнинг энг яхши болалар спорти иншоотлари қурувчиси" йўналиши бўйича "Ҳисор қурилиш таъмирлаш" корхонаси ғолиб деб топилган бўлса, "Йилнинг энг яхши архитектори" номинациясида Китоб тумани архитектура ва қурилиш бошқармаси раҳбари Учқун Жўраев тақдирланди. Шунингдек, "Йилнинг энг яхши мактаб қурувчи ташкилоти", "Йилнинг энг яхши маданият маркази қурувчи ташкилоти", "Йилнинг энг яхши буюртмачиси", "Йилнинг энг яхши хизмат кўрсатувчи банки" ва бошқа бир қатор номинацияларда ҳам ғолиблар номи эълон қилинди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан махсус сертификат ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими З.Рўзиев иштирок этди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

## ЯНГИ ЙИЛ ЯНГИ УЙЛАРДА НИШОНЛАНДИ

**Юртдошларимизнинг аҳил-иноқ яшаб, тўю тантана, байрамларни баҳамжиҳат ўтказиши мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, фаровон турмуш шарофатидандир. Бунда мамлакатимиз Қуролли Кучларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳиссаси катта. Кўплаб ҳарбий хизматчиларнинг оилалари Янги йилни қўшалоқ байрам қилишди.**

Ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қулай уй-жойлар, замонавий ижтимоий-маиший шарт-шароитлар, сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

– Қувончимни сўз билан ифодалаш қийин, – дейди шартнома бўйича хизмат қилаётган оддий аскар Қаҳрамон Авезов. – Янги йилни янги уйда кутиб олдик. Бу оиламиз учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди. Янги йил Ўзбекистондаги ҳар бир оилага улкан бахт ва омад келтирсин, энг асосийси, юртимизда тинчлик, хотиржамлик ва осойишталик мустаҳкам бўлсин.

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида яшовчи Муҳаббат ая Янги йил байрамини набиралари билан бирга ўтказиш ниятида ўғлиникига келган эди.

– Ҳар бир она фарзандининг эл-юрт корига ярайдиган, Ватанини ҳимоя қилишга тайёр бўлиб улғайишини истайди, – дейди Муҳаббат Ҳамроқулова. – Сарҳадларимиз дахлсизлиги ва юртимиз осойишталиги йўлида хизмат қилаётган йигитлар орасида менинг ўғлим ҳам борлигидан фахрланаман. Юртбошимизнинг болаларимизга кўрсатаётган ғамхўрлигидан ўзимда йўқ қувондим, кўзларимга севинч ёшлари келди. Фарзандларимнинг бахтиёрлигини кўриб, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка, фаровон ҳаётимизга шукрона айтаман.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг йигирма уч йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган табригида шундай сўзлар бор: "Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизматни ўташ шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолмоқда. Ўз ҳаётини ушбу шарафли касбга бағишлаган ҳар бир ҳарбий хизматчи яхши билиши шарт: унинг муаммолари эътиборсиз қолмайди ва оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги ишончли равишда кафолатланган".

Бугун бу устувор вазифаларнинг амалдаги ижросини кўрмоқдамиз. Замонавий турар жой бинолари, қисм ва бўлинмаларда бунёд этилаётган ётоқхоналар, барча қулайликларга эга ҳарбий шаҳарчалар Ватан ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимояси таъминланаётганидан далолатдир.

Кичик сержант Сирожиддин Рўзиев ҳаётида ўтган 2015 йилда бахт ҳам, қувонч ҳам қўшалоқ бўлди. У Таиландда ўтказилган шарқ якка курашлари бўйича жаҳон ўйинларида чемпион бўлди. Америка қитъасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни қўлга киритди. Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидан унга хонадон ажратилди.

– Йигитлик бурчимни ўтаётганимда ҳарбийлик касбига ҳавас уйғониб, ҳаётимни шарафли соҳа билан боғлашга қарор қилдим, – дейди Марказий ҳарбий спорт клуби мураббийи С.Рўзиев. – Орзуларим амалга ошди. Йирик мусобақаларда ғолиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман. Икки нафар фарзандим бор. Тўрт хонали шинам янги уйга эга бўлганимиздан қувончимиз чексиз. Барча қулайликларга эга уй калитларини қабул қилиб олаётганимизда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилаётган юксак эътиборни яна бир бор яққол ҳис этдик. Бундай юксак ғамхўрлиги учун Президентимиздан миннатдормиз.



Оқил ҒУЛОМОВ (ЎзА) олган сурат.

Сирожиддиннинг фарзандлари ҳам спорт билан шуғулланади. Яқинда ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ўртасида ўтказилган шашка мусобақасида олти ёшли Фаридун иккинчи ўринни эгаллади.

– Уйимиз чиройли, хоналари кенг, – дейди саккиз ёшли Паризода. – Янги уйга кўчиб ўтишимиз билан дадам бизга компьютер совға қилди. Уйимиз яқинидаги гимнастика тўгарагига қатнаяпман.

Бугун мамлакатимизда ана шундай бахтиёрлик оғушида яшаётган оилалар кўп. Подполковник Хайрулла Норбоев оиласи улардан бири.

– Янги уй бизга жуда катта шодлик олиб келди, – дейди Х.Норбоев. – Айниқса, фарзандларимизнинг қувончини айтмайсизми?! Бу ғамхўрликка жавобан юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни асрабавайлаш, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар этамиз.

– Янги хонадонимизда барча шароит яратилган, – дейди унинг турмуш ўртоғи Чарос Исмоилова. – Келажакда икки фарзандимнинг ўқишидан ҳам кўнглимиз тўқ – мактаб ва мактабгача таълим муассасаси шундоқ уйимиз ёнида жойлашган.

Ҳа, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари кундан кунга чирой очмоқда. Бу – изчил ислоҳотлар меваси. Ундан ҳарбийлар оилалари ҳам баҳраманд бўлмоқда.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

Андижон Вилояти

САРҲИСОБ

# БАРАКА – ҲАРАКАТДА

*Якунланган йил вилоятимиз фермерлари учун ҳар қачонгидан кўра ютуқларга бой бўлди.*

*Шубҳасиз, бунда Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, ушбу фармонда белгилаб берилган вазифалар фермерларни қулочни янада кенгроқ олишга ундамоқда.*

Энг муҳими, интеллектуал салоҳиятга эга фермерлар сафининг кенгайиб бораётганлиги олдинга қўйилаётган вазифаларнинг бажарилишини тезлаштиришга хизмат қилмоқда. Бугун ишни ташкил этишда иқтисодий таҳлилни биринчи ўринга қўяётган ва унинг самарадорлигини оширадиган жиҳатларни ўзлаштиришга интилаётган фермерлар сафининг кенгайиб бораётганлиги боис замонавий технологияга асосланган ишлаб чиқариш тармоқлари вужудга келаётир.

Бу борадаги самарали фаолияти учун Бўз туманидаги "Ферузбек Қодиров" фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Қодиров Президент совврини учун ўтказилган "Ташаббус-2015" кўрик-танловида 3-ўринга сазовор бўлди. Избоскан туманидаги "Жонобод чорваси" фермер хўжалиги раҳбари Азизбек Даминов қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан "Ватанимиз тараққиёти учун барчамиз бирдек масъулмиз!" шиори остида ўтказилган "Ёш фермер" кўрик-танловининг республика босқичида мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

Олтинкўл туманидаги "Бахт имкон ривож чорваси" наслчилик фермер хўжалиги фаолияти ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган фермерлар учун тажриба марказига айланди. Энг илғор технологияларнинг жорий этилиши боис ушбу хўжаликда юксалиш даври бошланди. Аввало, мазкур хўжаликда озуқа етиштириш технологияси тамомила ўзгарди. Эндиликда ҳар гектар ердан 10 тоннадан зиёд озуқа бирлиги олинмоқда. Мустаҳкам озуқа базаси яратилиши эса зотли қорамоллар парваришини янада яхшилаб, маҳсулдорликка асос бўлмоқда. Ҳар гектар экин майдони ҳисобига 20 миллион сўмдан зиёд даромад олинаётганлигининг ўзи ҳали бу борада имкониятлар бисёр эканлигини кўрсатиб турибди.

Вилоятимизда Фахриддин Исмоилов раҳбарлик қилаётган "Бахт имкон ривож чорваси" наслчилик фермер хўжалиги каби юксак натижаларга эришаётган



**Вилоятда юксак натижаларга эришаётган мулкдорлар сафи кенгайиб бормоқда. Энг олис ҳудудларда ҳам сут ва гўштни қайта ишлаш имкониятлари юзага келмоқда. Натижада маҳсулотлар хилма-хиллиги ва юқори сифати таъминланяпти.**

мулкдорлар сафи кенгайиб бормоқда. Энг олис ҳудудларда ҳам сут ва гўштни қайта ишлаш имкониятлари юзага келмоқда. Натижада маҳсулотлар хилма-хиллиги ва юқори сифати таъминланмоқда.

Бундай янгиланишлар орқали кўп тармоқли хўжаликлар юзага келмоқдаки, натижада янги иш ўринлари яратилмоқда. Бунда боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликда интенсив технологияларнинг жорий этилаётганлиги муҳим омил бўлмоқда. Иссиқхоналарда сабзавотлар ва лимон етиштиришнинг илғор усуллари қўлланилаётгани ҳисобига гектарлар самарадорлиги кўтарилмоқда. Катта сиғимли совуткичлар тармоғининг тез суръатлар билан ривожланиши эса бозорларнинг тўкин-сочинлиги ва арзончилигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир. Масалан Булоқбоши туманидаги "Даврон" агрофирмаси фермер хўжалиги фаолияти жаҳон андозалари даражасида.

Ғалла, пахта етиштиришда ҳам илғор тажриба ва янгиликларни қўллашга бўлган эътибор ортмоқда. Президентимизнинг юқорида зикр этилган фармонида фермер хўжаликлари ўртасида кооперация алоқаларини янада жонлантиришга алоҳида эътибор берилган. Сўнгги йилларда бу борада ҳам қатор ютуқлар қайд этилди. Бу эса деҳқончилик маданиятини янада кўтариш имконини бермоқда.

Улуғнор, Бўз, Избоскан ва Қўрғонтепа туманларидаги ўнлаб фермерлар кооперация усулида ўз маблағларини бир мақсад сари йўналтиришиб, иш унуми юқори бўлган замонавий технологиядаги тракторларни сотиб олишдики, ҳар бир агротехник тадбирнинг ўз ўрнида бажарилишига мустаҳкам замин яратилди. Пировард натижада ғалла ва пахта ҳосилдорлигида ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади.

Эндиликда кооперация усулини боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари фаолиятида ҳам жорий этиш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу усулнинг такомиллашуви эса қишлоқда ихчам қайта ишлаш саноатининг юзага келишига ҳам туртки беради, албатта.

Фермерлар кенгашлари фаолиятида ана шу жиҳатларнинг устувор бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Туманлар ва массивлар кесимида ишлаб чиқилаётган дастурлар замирида кооперация муносабатлари мужассам десак, асло муболаға бўлмайди. Негаки, ривожланиш даражасининг қай даражада бориши кооперация алоқалари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

**Фарҳод НАБИЖОНОВ,**
*Андижон вилояти фермерлари кенгаши раиси.*

Тошкент Вилояти

*Бўка туманида саноат йўналишида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, шу йўл билан кўплаб янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастурига оид қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.*

## ЯНГИ ЙИЛГА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР БИЛАН

– Ўтган йили ушбу йўналишда 30 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилиб, 250 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, – дейди туман ҳокимлигининг иқтисодиёт бўлими мудири Музаффар Сўккаев. – Қувонарлиси, иш ўрни билан таъминланаётганларнинг асосий қисмини коллеж битирувчиларидан иборат ёшлар ташкил этмоқда.

"Оҳангарон-Анҳор" МЧЖни бугунги кунда ҳақиқатан ёшлар жамоаси, дейиш мумкин. Бу ерда меҳнат қилаётган 25 нафар ишчи-хизматчиларнинг 18 нафари оловқалб йигит-қизлардан иборат. Тадбиркор Шерали Умиров томонидан асос солинган корхона писта ёғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада бир кеча-кундузда 5 тоннагача сифатли писта ёғи тайёрланиб, "Золотинка" ёрлиғи остида харидорларга жўнатилмоқда. Қадоқларни ҳам корхонанинг ўзида тайёрлаш йўлга қўйилган. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида астойдил изланаётган тадбиркор эндиликда янги нон цехини фойдаланишга топшириш ҳамда ёғ учун хомашёни ўзларида етиштиришни йўлга қўйиш ниятида.

– Ҳозир 20 хил нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган печларни келтириб, ўрнатдик, – дейди тадбиркор. – Кунгабоқар етиштириш учун 2 гектар ер сўраб қилган мурожаатимиз туман ҳокимлиги томонидан ўрганилмоқда. Бундан ташқари, истиқболда кунига 5 тонна мевани қайта ишлайдиган ҳамда 2 тонна макарон тайёрлайдиган янги цехларни ишга тушириш ниятимиз бор. Шунда туманимиз ёшларидан яна 50 нафарини доимий ишга жалб этамиз.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Фарғона Вилояти

Янги йил арафасида Бешариқ туманида 100 ўринли туғуруқхона мажмуининг янги биноси фойдаланишга топширилиши аҳолини, айниқса, ота-оналарни беҳад хурсанд қилди.

## ЗАМОНАВИЙ ТУҒУРУҚХОНА МАЖМУАСИ

Замон талабларига мос лойиҳа асосида барпо этилган янги мажмуада малакали тиббий хизмат кўрсатилиши билан бир қаторда соҳа шифокорлари ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари "Бехатар оналик", "Болаларнинг ўсиш ва ривожланиш мониторинги" дастурлари асосида билим ва малакаларини ҳам оширадилар. Мажмуа она ва бола саломатлигини сақлаш, тўғри ва тез ташхис қўйиш ҳамда муолажа қилишга мўлжалланган замонавий асбоб-ускуналар билан ҳам таъминланган.

Фарғона туманининг Чимён қишлоғида ФҲДЁ ва нотариал идора биноси замонавий андозалар ва миллий анъаналар асосида қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу эса аҳолига, айниқса, янги оила қураётган ёшлар учун Янги йилга муносиб туҳфа бўлди.

## ҚИШЛОҚДА "БАХТ УЙИ"

Ушбу бино қурилиши учун 1,1 миллиард сўм маблағ сарфланиб, "Бахт уйи" зарур анжомлар, алоқа ва коммуникация воситалари билан жиҳозланди. ФҲДЁ қошида ташкил этилган "Оила дорулфунуни" тўгараги ва "Ёш оила" мактаби оила қуриш арафасида турган ёшларга керакли маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар бериб, оилалар мустаҳкамлигига замин яратмоқда.

– Барча шарт-шароитларга эга "Бахт уйи" биносининг барпо этилиши қишлоғимиз кўркига кўрк қўшди, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Миродил Марасулов. – Бинони қуришда жонбозлик кўрсатган "Тўхтасин Шукуржон обод" хусусий корхонаси бинокорларига ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# ВАТАН, ДЕЯ УРАДИ ЮРАК...

*Тошкент вилоятида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида ўтаётган маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотидамиз. Кенг ва ёруғ ўқув хонаси барча зарур қўлланмалар, кўргазмали қуроллар билан таъминланган. Алп келбатли, арслон ҳайбатли йигитлар капитан Дониёр Холдоровни диққат билан тинглайди. Бироздан сўнг капитан аскарларга савол билан мурожаат қилади:*

*– Йигитлар, Ватан деган муқаддас тушунчага таъриф беринг.*




Оқил ҒУЛОМОВ (ЎзА) сурат.

Аскарлардан бири қўл кўтаради.

– Ватан – бу туғилиб ўсган хонадоним, мени вояга етказган ота-онам, ака-сингилларим, болалигимнинг энг сурурли дамлари ўтган қишлоғим, мактабим, таълим-тарбия берган устозларим, она юртим...

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасини айтиб беринг.

– Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш, Ватан ҳимоячиси деган номга муяссар бўлиш ҳар бир йигит учун нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айланди. Истиқлол фарзандлари – билимли, мустақил фикрлайдиган, дунёқараши кенг, нигоҳлари тийрак энг сара ўғлонлар миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётгани ҳаётимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги ишончли қўлларда эканидан далолатдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 9 декабрдаги Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги фармойишига биноан жойларда ҳарбийлар билан учрашувлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Бу йил Ватан ҳимоячилари куни мамлакатимизда **"Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!"** шиори остида нишонланмоқда.

Биз борган ҳарбий қисмда ана шундай байрамона кайфият ҳукм сураётганига гувоҳ бўлдик.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямизни ислоҳ этиш ва унинг мудофаа қудратини, жанговар салоҳиятини, мамлакатимиз суверенитетини ҳимоя қилиш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимизнинг тинч ҳаётини кўз қорачиғидек асраш бўйича тайёргарлигини янада мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди ҳарбий қисм командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, майор Зиёд Ҳакимов. – Мамлакатимизда замонавий қурол-яроғ ва техника билан ҳар томонлама яхши таъминланган, ҳаракатчан, юксак талаб ва стандартларга жавоб берадиган, сарҳадларимиз хавфсизлиги ҳамда халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армияни шакллантиришга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бераётир.

Унинг иш столи устидаги кўзларида қувонч чақнаб турган болаларнинг сурати эътиборимни тортди.

– Фарзандларингизми? – дедим суратга ишора қилиб.

– Ҳа, уч ўғил, бир қизим бор, – деди у. – Ўғилларим ҳозирданоқ ота изидан боришга тайёргарлик кўрмоқда. Спортнинг каратэ тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Суратга қараб, фарзандларим мустақил, фаровон юртда вояга етаётганидан севинаман, зиммамдаги масъулиятни янада чуқур ҳис қиламан.

Йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар билан суҳбатда миллий армиямиз ёшларнинг иродасини тоблайдиган, уларга чуқур билим ва тарбия берадиган ҳаёт мактабига айланганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Бу ерда ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш, сиёсий, маънавий-маърифий билимларини чуқурлаштириш учун барча имконият яратилган. Ўқув хоналари, машғулот майдонлари, спорт заллари, кутубхона, компьютер хоналари, ошхонаю ётоқхонада аскарларнинг муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўташи учун шароит муҳайё қилинган. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларнинг бир-бирига ҳурмати, қадрдон дўстлардек муносабати кишини қувонтиради.

Қорақалпоғистонлик оддий аскар Оқилбек Камолбоев яқинда уйидан хат олди. Хатдаги "Йигитлик бурчингни сидқидилдан адо эт, юзимизни ёруғ қилиб қайт", деган сўзлар унга янада куч-ғайрат бағишламоқда.

– Ҳарбий хизмат чоғида гуруҳ командирларимиз жанговар, маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича кўникмаларимизни ошириш билан бирга, Ватанни севиш, тинчликнинг қадрига етиш, эл-юрт корига камарбаста бўлишдек олижаноб фазилатларни сингдиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, – дейди у. – Ниятим келажакда Ички ишлар вазирлиги академиясида таҳсил олиб, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш.

Оддий аскар Тоҳиржон Турсуналиев Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидан. У Марғилон шаҳридаги академик лицейни битиргач, муддатли ҳарбий хизматга келган. Тоҳиржон турли маънавий-маърифий тадбирларни, интеллектуал ўйинлар, кўрик-танлов ва спорт мусобақаларини ташкил этишда ташаббускор.

– Янги йил байрами ва 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига сафдошларим билан қизғин тайёргарлик кўрдик, – дейди у. – Ҳарбий қисмимизда жисмоний тайёргарлигимизни ошириш учун барча шароит бор. Бундан ташқари, кўплаб спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар мунтазам ўтказилади. Бу билим ва кўникмамизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳар бир йигитнинг ўзига яраша ниятлари, орзулари бор. Кимдир ҳарбий хизматни давом эттираман деса, яна кимдир олий ўқув юртида таҳсил олиб, жамиятимиз равнақига ҳисса қўшишни мақсад қилган. Уларнинг бу эзгу тилаклари рўёбга чиқиши шубҳасиз. Зеро, кимнингки юраги Ватан, деб уриб турар экан, у ҳар қандай маррани забт этишга қодир.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Навоий Вилояти

**Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили ҳақида гапирганда, аввало одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим" дея алоҳида қайд этиб ўтдилар. Бугун касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларнинг ана шундай фаол шахслар бўлиб вояга етишишида давлатимиз томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.**

# КОЛЛЕЖДАН – ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Кармана саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ҳам ўқувчилар турли касбларни ўрганишлари учун қамраб олинган. Айни пайтда таълим-тарбия олаётган 584 нафар ўқувчининг 285 нафарини қизлар ташкил этади. Жумладан, уларнинг 222 нафари билан уч томонлама шартнома тузиш ишлари олиб борилмоқда. Бу коллежни битираётган ёшларнинг мустақил ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини топиб кетишларида муҳим аҳамият касб этяпти. Ўтган йилда банклар томонидан коллеж битирувчиларининг 31 нафарига ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун 178 миллион сўмдан зиёд кредитлар берилди.

– Президентимизнинг қиз болаларнинг ижтимоий ҳаётда фаол бўлишларини таъминлаш, уларга ҳар томонлама имконият яратиб бериш ҳақидаги кўрсатмаларига амал қилган ҳолда битирувчи қизларимизнинг коллеждан ишлаб чиқаришга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига кўмаклашилмоқда, – дейди Кармана саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори Шуҳрат Эшбеков. – Ҳақиқатан ҳам Юртбошимизнинг "Қиз болани коллежни битирмасидан, ҳунар эгалламасидан туриб, кимки турмушга бермоқчи бўлса, билиб қўйинглар, буни мен узоқни кўрмаслик, калтабинлик деб ҳисоблайман", деган сўзлари ниҳоятда ҳаётийдир.

**Достон МАВЛОНОВ**

Қашқадарё Вилояти

ПАРРАНДАЧИЛИК

# ИЗЛАНИБ, ИМКОН ТОПАЁТГАНЛАР

"Чироқчи истиқлол парранда" масъулияти чекланган жамияти жамоаси нафақат Чироқчи тумани, балки қўшни туман ва шаҳарлар аҳолисига ҳам тухум ҳамда парҳез гўшт етказиб бермоқда. Корхона бундан беш йил олдин эски бинони таъмирлаб, фаолиятини бошлаганди. Натижада 20 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

– Фаолиятимизни Самарқанддаги паррандачилик корхонасидан 36 мингта жўжа олиб келиб боқишдан бошлагандик, – дейди МЧЖ раҳбари Нурали Мирзаев. – Жўжалар 145 кунда тухумга кирди. Кейин эса бошқа цехларни ҳам реконструкция қилишга киришдик. Тажрибали мутахассисларни ишга жалб қилиб, бир йилдан сўнг паррандалар сонини 100 мингтага етказдик. Бунинг натижасида яна қўшимча 30 та иш ўрни ташкил этилди. Корхона тасарруфидаги 298 гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланганлиги дон ва бошқа озуқабоп экинлар етиштириш имконини берди.

– Ушбу паррандачилик корхонаси қайта таъмирланиб, иш бошлаганидан хурсандмиз, – дейди паррандачилик бригадаси бошлиғи Ғофур Хушвақтов. – Боиси, мен сингари кўплаб қишлоқ йигитлари ишли бўлди. Бердираҳмат Равшанов, Рустам Эшқобилов, Нурали Мўминов, Бобур Абдуалимов, Нурали Маҳмарасулов сингари паррандабоқарлар ҳамкасбларига ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Бунинг учун барча шарт-шароит яратилган. Ойлик маошимиз ҳам яхши. Ишчилар учун иссиқ овқат ташкил этилган. Уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, соғлиқларини тиклашлари учун корхона томонидан ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш йўлга қўйилган.

Паррандаларни турли юқумли касалликларга қарши эмлаш, озуқа рационига амал қилинишида ветеринар Қувват Рустамов, техника воситаларининг бир маромда ишлашида механик Тўра Жуманов ҳамда чилангарлар Жамшид Тоштемиров, Шодиёр Фармоновларнинг хизматлари катта. Ҳайдовчи Панжи Жумаев ўз хизматини ўринлаб, вақтида озуқаларни етказиб турибди.

Бугунги кунда ҳар бир соҳада бўлгани каби паррандачиликда ҳам модернизация жараёнлари жадал давом этмоқда. Изланиб, имкон топаётган "Чироқчи истиқлол парранда" масъулияти чекланган жамияти Испания компанияси билан 112 мингта товуққа мўлжалланган замонавий технологияларни харид қилишга келишиб олди. Янги қурилмалар жорий йилнинг биринчи чорагида олиб келиб ўрнатилади.

Хулоса қилиб айтганда, чироқчилик паррандачилар кун сайин маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, аҳолига арзон ва сифатли парранда маҳсулотлари етказиб бериш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишяпти.

**А.КАМОЛОВ**

Навоий вилояти

ИРРИГАЦИЯ

# БЕҲУДА ОҚМАГАЙ СОЙЛАРНИНГ СУВИ

***Кишлокларимиз азалдан тўкинлик ва кут-барака манбаи сифатида ўзбек дехкончилиги хамда миришкорлиги мактабининг асосларини ўзида асраб келган. Унда мехнаткаш дехконлар эришган асрий тажриба. юксак даражага чиккан зироаткорликнинг сиру синоатлари мужассам. Юртбошимиз таъбири билан кишлок заминини башариятнинг катта хаётий тажриба даргохларига киёслар эканмиз. ернинг. мулкнинг хакикий эгаси бўлгач. бу мактаб имкониятлари накадар кенгайганлигига ҳар куни гувоҳ бўламиз.***

Энг илғор техникалар, замон талабидаги сервис хизмати, шартномавий муносабатлар, молиявий кўмак ва имтиёзлар, хуллас, бугун ўзбек деҳқони фойдаланаётган қулайликларни санаб адоғига етиш мушкул. Муҳими, улар энди даланинг ўзида деҳқоннинг инон-ихтиёрига мунтазир. Албатта, буларнинг барчаси мустақилликнинг, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг шарофатидир. Табиийки, бундай қулайликлардан самарали фойдаланаётган юртдошларимиз она заминимиз саховатини етти иқлимга кўз-кўз қилишмоқда. Пахтачилик, ғаллачилик ва боғдорчилик, мевасабзавотчиликда ҳосилдорлик йил сайин оширилиб, тармоққа илғор агротехнологиялар дадил жалб этилмоқда. Натижада “кафолатли ҳосил” ибораси тобора муомаламизга сингиб, лафзи ҳалол деҳқонларимиз ҳар йили шартномавий режаларини ошиғи билан адо этмоқдалар. Башарти, ер ва сув ресурслари ҳисобли экан улардан оқилона фойдаланиш, ички имкониятларни топиб ишга солиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги Кўксарой сувини шундай манбалар сирасига киритиш мумкин. У Нурота тоғ тизмаларидаги Оқтовнинг офтобрўй бетидан шиддат олган Шалдироқсой ва Ёнғоқлисойнинг Кўксаройда бирлашишидан ҳосил бўлади. Серёғин кўкламда сув ҳайқириб ўзанини бузса, қурғоқчил йиллар атрофдаги қишлоқлар аҳлининг ичимлик суви ва томорқасига етади холос. Бошқача айтсак, халқимизнинг сув ўткинчи, дарё боқий, деган ҳикмати айнан Кўксарой каби жиловланмаган сойларга тегишли бўлса, ажабмас.

Сабаби, сойнинг сув ҳажми йилига қараб, қарийб 11,5 миллион куб метргача бўлиб, мутахассисларнинг тахминича унинг 5-6 фоизидангина аҳоли фойдаланар экан. Қолгани эса оқиб, ўтиб кетади. Ирригация фахрийси Очил Нурназаровнинг таъкидлашича, Кўксарой сувини тўплаш 1800 гектаргача ерда деҳқончилик қилиш имконини беради. Агар тежамкор технологиялар амалиётга жорий этилса, бу кўрсаткич уч бараваргача ошиши мумкин.

Аслида Кўксарой сувидан самарали фойдаланиш бугуннинггина гапи эмас. Маҳаллий мутахассислар собиқ шўро давридаёқ туман аҳлининг олдидан оқаётган бекадр сувдан фойдаланиш фикрини илгари суришган, техник иқтисодий асослар ҳисоб-китоби олиниб, ижобий хулосага келинган эди. Турли сансалорлик ва “собиқ марказ”нинг зиқналиги сабаб ҳудудда сув омбори барпо этиш лойиҳаси қоғозда қолиб кетди. Ниҳоят истиқлол шарофати билан, аниқроқ айтганда, тизимга қаратилаётган эътибор туфайли 2011 йилда сув иншоотини қуриш ишлари бошланиб, мазкур ишлар 2015 йилнинг ноябрь ойида тугатилди.

– Кўксарой сув омборида қурилиш ишлари техник-меъморий ечимлар ва хавфсизлик меъёрларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилди, – дейди “Ўзмахсуссувқурилиш” ИК “Зарафшонмахсуссувқурилиш” филиали директори Ёқуб Юсупов. – Қурилиш монтаж ишларида 912 тонна арматура, 18 минг 106 куб метр бетонлаштириш, 85 минг 290 тупроқ ва ниҳоят 451 минг 168 куб метр қум ишлари бажарилди. Бошқачароқ айтсак, сув қабул қилиш қуввати 7,5 миллион куб метрга тенг, дамба узунлиги 434, баландлиги 26, эни 10 метрлик улкан иншоот бунёд этилди. Шунингдек, иншоот таркибида ташқи электр таъминоти, дренаж тизими, кузатув қудуқлари, диспетчер ва ишчи ходимлар яшаш жойидан иборат хизмат инфратизими яратилди.

2015 йилнинг вилоят ирригация тизимидаги яна бир улкан қурилиши Зарафшон дарёсининг Навбаҳор сув тўғонида амалга оширилди. Мазкур тўғон 1995 йил қурилган бўлиб, сув ўтказиш қуввати секундига 358 куб метрни ташкил этарди. Зарафшон дарёсида 1998 йилги тошқин ва сув ҳажми кескин ошганида тўғон дамбаларида авария ҳолати рўй бермаслиги учун мажбурий тартибда дамбанинг бир қисми очилиб, вазият бартараф этилган эди. Кўп ўтмай дамба қайта тикланди. Бироқ масалани узил-кесил ҳал этиш, келгусида фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида дамба сув ўтказиш қувватини ошириш ўз долзарблигини йўқотмади. Масала Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий техник кенгашида кўриб чиқилиб, “Ўзсувлойиҳа” АЖ томонидан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари техник ва давлат экспертизасидан ўтказилди. Шу асосда қурилиш ишлари бошланиб, ўтган йигирма ой мобайнида 243 минг 900 метр куб тупроқ, 4 минг 100 метр куб бетон ишлари бажарилди. Натижада тўғоннинг сув ўтказиш қуввати секундига 358 куб метрдан 440 куб метрга етказилди. Бундан ташқари, қарийб 27,3 минг гектар унумдор ерларга сув етказиб берувчи Навкар ва Конимех каналларининг сув таъминоти ҳам яхшиланди.

Ирригация соҳасидаги мазкур бунёдкорликлар бугун ҳар бир фермер учун айни муддао. Боиси, қишлоқ мулкдори ўз ихтиёрига олган ерда кўпнинг ризқи бор. Шу сабаб, наинки фермер, балки бутун ҳудуд аҳли бу тадбирларни Юртбошимиз томонидан кўрсатилган катта ғамхўрлик ва эътибор намунаси сифатида қабул қилмоқдалар.

**Темур ЭШБОЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Жиззах вилояти

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

*Астойдил ва беғараз қилинган меҳнат эгасига бахт келтиради, уни шарафга буркайди. Бу нақлни Бахмал туманининг Қора қишлоғида яшовчи Жуман Нуримов ўз тақдири билан исботлаганлардан. Табиати кўркам Бахмал туманининг Ойқор тоғи бағридаги қишлоқда туғилиб ўсган Жуман Нуримовнинг ёшлиги уруш йилларига тўғри келди. 14 ёшли ўсмир дам ўроқчиларга сув ташир, дам хирмон уяётганларга кўмаклашарди. Тунга яқин онаси, акаси каби иш ҳақи сифатида берилган битта нонни қўлтиғига қистирганча уйига чарчоқ билан қайтарди. Аммо оиласининг кунига яраётганидан кўнгли Ойқор тоғидек баланд эди.*

# ЖУМАН БОБОНИНГ БОҒЛАРИ

Урушдан сўнг Мирзачўл ўзлаштирила бошлангач, тақдир шамоли бир қанча ҳамқишлоқлари сафида Жуманни чўлга етаклади. Жуман иродали, табиатан хушчақчақ бўлгани учун шароитга тез кўникди. Оиласига ёрдам бериш илинжида нимани буюришса, индамай бажараверди.

Ёши етиши билан уни ҳарбий хизматга олишди. Хизмат давомида ҳайдовчилик курсини тамомлади. Ана шу касб унга бутун умр асқотди. У қурилиш корхонасига ҳайдовчи бўлиб ишга кирди. Ўша йиллари Мирзачўл, Арнасой, Дўстлик, Пахтакор туманларида барпо этилган кўплаб турар жойлар ва йўллар қурилишига ўз ҳиссасини қўшди. Самимий ва меҳнаткаш инсон сифатида ҳамкасбларининг эътиборини қозонди.

15 йилдан сўнг яна жонажон қишлоғига йўл олди. У энди тумандаги 32-автокорхонада ишлай бошлади. Қаерда бўлмасин, бунёдкорликка эш юмушларга сидқидилдан киришар, ўзидан эзгу ном қолдиришга интиларди. Чунончи, Ғаллаорол туманидаги йўллар ёқасида дарахтзорларни юзага келтириш ишига улкан ҳисса қўшди. Жуман Нуримов ўша йиллари қирқ мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтқазиш ва кўкартиришга улуш қўшганлардан бири саналади.

У бутун умр боғ яратиш ишқи билан яшади. Шу мақсадда турли ташкилоту идораларга мурожаат қила-қила, Қора қишлоғи сари 5 километр узунликда лотоклар тортилишига эришди. Қишлоққа сув келгач, қариндош-уруғ, яқинлари билан бирга 200 гектар майдонда олмазор, 5 гектар ерда токзор, 3 гектар жойда бодомзорни юзага келтирди. Бу иш осон кечгани йўқ. Одамлар бошини қовуштириш иқтидори, тинимсиз меҳнат, тадбиркорлик, ҳаётий тажриба сабаб 80 хонадонли Қора қишлоғи улкан боққа айланди. Отахон турли мевали экинларни парваришлашнинг ҳадисини олган. Бу тажрибасини фарзандлари, набиралари, ҳамқишлоқларига ўргатишдан сира эринмайди.

У сабаб юзага келган боғлар қишлоқ аҳолиси турмуши фаровон, дастурхонининг тўкин бўлишини таъминловчи омиллардан бирига айланди, десак муболаға эмас. Айтганча, қишлоқ аҳлининг узоғини яқин, оғирини енгил қилаётган улкан темир кўприк ҳам Жуман бобонинг ишбилармонлиги маҳсули. Истиқлол туфайли мулкдорга айланган отахон ҳаж амалини бажарди. Эътиборлиси, оқсоқол кетмонини ҳали қўлидан қўйгани йўқ. Ўзи сингари ерга меҳрли фарзандларига йўл-йўриқ кўрсатади, боғ оралаб кунни кеч қилади. Бахтнинг асоси меҳнат ва ҳалоллик эканлигини айтиб, яқинларини фақат эзгуликка чорлаб яшаяпти.

**Мансур РАҲМОНОВ**

**○ Эълонлар**

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2016 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЛОТ № 5:

**Лот № 5-1. “Жиззах вилояти руҳий касалликлар диспансерини (135 ўрин даволаш бўлими ва бошқа объектларни реконструкция қилиб, фойдаланишга топшириш) реконструкция қилиш”.**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 4 023,578 млн. сўм, ҚҚС билан 4 828,293 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 2016 йил 20 ноябргача.

**Лот № 5-2. “Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани 24-сонли мактаб филлиалини (40 ўқувчи ўринли янги ўкув биноси курилиши билан) реконструкция қилиш”.**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 239,218 млн. сўм, ҚҚС билан 287,062 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 2016 йил 1 августгача.

ЛОТ № 6:

**Лот № 6-1. “Жиззах вилояти Зарбдор тумани тиббиёт бирлашмасини (кабул-диагностика ва операция бўлимларини қуриш ва бошқа объектларни мукаммал таъмирлаб, фойдаланишга топшириш) реконструкция қилиш”.**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 2 522,632 млн. сўм, ҚҚС билан 3 027,158 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 2016 йил 1 ноябргача.

**Лот № 6-2. “Жиззах вилояти Зафаробод тумани тиббиёт бирлашмасини (30 ўрин туғуруқ комплекси, 15 ўрин юқумли касалликлар бўлими ва бошқа объектларни мукаммал таъмирлаш) реконструкция қилиш”.**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 1 325,708 млн. сўм, ҚҚС билан 1 590,849 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 2016 йил 10 октябргача.

**Лот № 6-3. “Жиззах вилояти Жиззах тумани тиббиёт бирлашмасини (15 ўрин терапия, 15 ўрин жарроҳлик, 15 ўрин ШТЁБ, 20 ўрин болалар бўлимлари ва бошқа объектларни) реконструкция қилиш”.**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 1 714,513 млн. сўм, ҚҚС билан 2 057,415 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 2016 йил 1 ноябргача.

ЛОТ № 7:

**Лот № 7-1. “Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказини (бошқа объектларни қуриш) реконструкция қилиш”.**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 1 441,644 млн. сўм, ҚҚС билан 1 729,973 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 2016 йил 10 октябргача.

**Лот № 7-2. “Жиззах шаҳридаги Жиззах политехника институти қошидаги 1-сонли академик лицейни (200 ўринли ётоқхона қурилиши) реконструкция қилиш”.**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 2 332,918 млн. сўм, ҚҚС билан 2 799,501 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 2016 йил 20 августгача.

**Лот № 7-3. “Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Лалмикор кишлоғида саноат коллежи филиали қурилиши”.**

**Бошланғич қиймати:** ҚҚСсиз 985,158 млн. сўм, ҚҚС билан 1 182,189 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 2016 йил 1 августгача.

**Молиялаштириш** Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачининг манзили:** Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси 100-уй. Телефон: (0-372) 222-46-40, 222-26-41.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан кўп бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига устунлик берилади.*

*Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган ушбу объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.*

**Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган:** оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Жиззах шаҳри Х.Дўстлиги шоҳкўчаси, Medstar клиникаси ёнидаги бино. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 ва 200 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шоҳкўчаси 100-уй (вилоят ҳокимлиги ЯБХ инжиниринг компанияси биноси), мажлислар зали.

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати” ДУК томонидан 2004 й.да Адилов Файзулла Нигматуллаевич номига Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. Чорсу буюм бозори ҳудудида жойлашган 24-секция 432-дўкон учун берилган 1026005 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Яккасарой т. ҳокимияти ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган “SOLID MAX” МЧЖ Устав жамғармаси 79 500 000 сўмдан 6 800 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Тел.: 404-03-00.

Холмуродова Хуснобод Сафаровна номига Тошкент ш. М.Улуғбек т. Буюк Ипак Йўли кўч. 60-уй 14-хонадон учун берилган уй плани ва кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Юнусобод т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган “RAIN FINE” МЧЖ Устав фонди 300 000 000 сўмдан 30 000 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Тошкент ш. Миробод т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИда рўйхатга олинган “Best Option” МЧЖ (СТИР 302833813) тугатилади (таъсисчининг 04.01.2016 й.даги қарорига асосан). Даъволар 2 ой мобайнида Тошкент ш. Миробод т. Нукус кўч. 83 А уй манзилида қабул қилинади. Тел.: 256-60-67.

Тошкент ш. Яшнобод т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган “OSIYO NUR KAFOLAT” МЧЖнинг (СТИР 301746859) бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Тел.: 189-09-48.

Тошкент вил. Зангиота т. Транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи (собиқ СПТУ-68) томонидан 1976 й.да Баембетов Комил Маснович номига берилган № 0768 сонли (767-рўйхат рақами) аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Чирчиқ ш. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган “SARDOR-SAVDO PLYUS” МЧЖ (СТИР 301343521) Яшнобод т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган “SARDOR ELIT SERVIS” МЧЖга (СТИР 302564863) қўшилади ва “SARDOR-SAVDO PLYUS” МЧЖнинг барча масаласи бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Тел.: 917-94-99.



# «АМУ-СУРХОН» ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҲАМДА УНИНГ ТАРКИБИДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ЖАМОАСИ

мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, турмушимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни, жумладан, республикамиз ирригация тизими ходимларини Янги – 2016 йил билан муборакбод этади. Президентимиз таклифига биноан юртимизда Соғлом она ва бола йили, деб номланган ушбу йилда ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, бунёдкорлик ва яратувчилик шижоати қалбларимизни тарк этмаслигини, хонадонларимиздан файзу барака, дастурхонларимиздан тўкин-сочинлик аримаслигини тилайди. Байрамона кайфият доимо ҳамроҳингиз бўлсин!



*Азиз юртдошлар!*

## «Нукус вино заводи» акциядорлик жамияти жамоаси

барчангизни 2016 йил — Соғлом она ва бола йили билан қизғин қутлайди. Ушбу шукуҳли кезларда сизларга мустаҳкам соғлик, бахт ва омадлар тилайди. Янги йил ютуқларга, янгидан янги қувончларга бой, бундан-да баракали йил бўлсин! Кўнгилларда неки эзгу ниятлар бўлса, барчаси рўёбга чиқсин. Байрамлар байрамларга уланиб, ҳар бир кунимиз омонлик ва шодумонликда ўтсин!

## «Тахиатош шаҳар шаробсавдо» ихтисослашган база унитар корхонаси жамоаси

барча юртдошларимизни Янги – 2016 йил билан қизғин табриклайди.

*Янги йил қувончу шодликларга, тўю томошаларга бой бўлсин! Тинч-осойишта ҳаётимизга, мусаффо осмонимизга асло кўз тегмасин!*

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги хамда шу тармокка дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99894) 374-77-62; Наманган – (+99893) 948-53-86; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ: М.БОБОМУҲАММЕДОВА
Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. | Буюртма Г-119, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 23.00 23246 нусхада чоп этилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5